2013 йил Обод турмуш йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 14-NOYABR, PAYSHANBA, 137 (8218)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 ноябрь куни Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенкони қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари Россия парламенти юқори палатаси раҳбарини юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Россия билан қарор топган стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг ҳозирги даражаси Ўзбекистонда юксак қадрланишини таъкидлади. 2012 йил июнь ойида Тошкентда, жорий йилнинг апрелида Москвада бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон-Россия учрашув ва музокараларининг самарадор якунлари, амалий натижалари сиёсий, савдо-сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорлик ривожига янги суръат бахш этди.

Таъкидланганидек, парламентлараро алоқаларнинг бугунги даражаси турли соҳаларда ўзаро мулоқотни фаол кенгайтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Россия Федерал Мажлиси юқори палаталари ўртасида 2006 йилда имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим муносабатларни тизимли равишда қарор топтиришга хизмат қилиб, икки мамлакатда амалга оширилаётган туб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни қонунчилик асосида қўллаб-қувватлаш борасида мунтазам тажриба алмашиш имкониятини яратди.

Суҳбат чоғида томонлар иқтисодий ҳамкорлик барқарор кенгайиб, ўзаро савдо таркиби сифат жиҳатидан яхшиланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган маданий-гуманитар ҳамкорликка оид масалалар, айрим минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

В.Матвиенко сермазмун суҳбат, икки давлат учун долзарб бўлган масалаларни муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига самимий миннатдорлик билдириб, Россия раҳбарияти халқларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига асосланган ҳолда Ўзбекистон билан конструктив ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

**ЎзА**

## СОҲА ТАРАҚҚИЁТИ КЎЗГУСИ




**Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Ўзбекистон инфратузилмаси – Uzbekistan Infrastructure 2013" Халқаро Ўзбекистон тармоқлараро кўргазма лойиҳаси доирасида бир йўла учта – "Транспорт ва Логистика – TransUzbekistan 2013", "Автомобиллар, бутловчи қисмлар, сервис ускуналари – Auto&Parts Uzbekistan 2013" ҳамда "Йўл қурилиши ва коммунал техника – UzComak 2013" халқаро кўргазмалари бўлиб ўтмоқда.**






2

Сурхондарё Вилояти

## ТОЗА СУВ – ТАНГА ШИФО

**Обод турмуш йилида Сурхондарё вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, канализация тармоқларини қайта қуриш, таъмирлаш ва санитария ҳолатини яхшилаш учун 27 миллиард 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.**

Президентимиз раҳнамолигида ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш, айниқса, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаётир. Бунга Сурхондарё вилоятида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар яққол мисол бўла олади.

Маълумотларга кўра, вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш 76,7 фоизни ташкил этмоқда. Сув таъминоти ва санитария ҳолатини тубдан яхшилаш мақсадида эскирган қудуқлар босқичма-босқич таъмирланаётир. Маҳалла ва қишлоқларда, замонавий уй-жой массивларида янги қудуқлар қазилмоқда, сув сақлаш миноралари барпо этилаётир. Сув тақсимлаш иншоотлари реконструкция қилиниб, замонавий, тежамкор насослар ўрнатилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 21 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги қарори аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиришга асос бўлди. Вилоятда 2013-2020 йилларда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини ривожлантириш, модернизация қилишнинг комплекс чора-тадбирлари белгилаб олинди. Шу йилларда мавжуд йирик магистраль ва иккиламчи сув тармоқларини, ичимлик суви иншоотларини реконструкция қилиб, қайта таъмирлаш, янгиларини қуриш мўлжалланмоқда. Бу ишларнинг амалга оширилиши воҳа аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражасини 87,7 фоизга етказиш имконини беради.

Мутахассисларнинг фикрича, тоза ичимлик сувидан фойдаланиш, санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш турли юқумли касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Воҳада олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳам маҳалла ва қишлоқларнинг сув таъминотини, санитария ҳолатини тубдан яхшилаб, ёш авлодни соғлом вояга етказишга хизмат қилаётир.

**(Давоми 2-саҳифада)**

# СОҲА ТАРАҚҚИЁТИ КЎЗГУСИ

**Мамлакатимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Аҳоли фаровонлигининг ўсиши, ўз навбатида, унинг турмуш даражасининг сифати яхшиланиши билан белгиланади. Маълумки, бундай жараён янги технологиялар, техникаларга бўлган талабни оширади. Соҳага татбиқ этилаётган замонавий техника ва технологиялар, қурилиш ускуналари эса яратилажак иншоотнинг мустаҳкамлиги ҳамда бардавомлигини таъминлайди, инфратузилманинг янада яхшиланиб боришига хизмат қилади.**




Ана шундай омиллардан келиб чиққан ҳолда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган кўргазмалар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, айни кунларда пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”да ташкил этилган “Ўзбекистон инфратузилмаси – Uzbekistan Infrastructure 2013” Халқаро Ўзбекистон тармоқлараро кўргазма лойиҳаси доирасидаги бир йўла учта – “Транспорт ва Логистика – TransUzbekistan 2013”, “Автомобиллар, бутловчи қисмлар, сервис ускуналари – Auto&Parts Uzbekistan 2013” ҳамда “Йўл қурилиши ва коммунал техника – UzComak 2013” халқаро кўргазмаларида ҳам ана шундай эзгу мақсад мужассамлашган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, “Ўзавтойўл” давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Халқаро автомобилда юк ташувчилар уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан “ITE Uzbekistan” халқаро кўргазма компанияси кўмагида ташкил этилган тадбирда соҳа тараққиётининг ёрқин кўриниши намоён бўлмоқда.

Кўргазмаларда Ўзбекистон, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Сингапур, Буюк Британия, Беларусь, Россия, Латвия, Литва, Украина, Чехия, Озарбайжон каби 15 та мамлакатдан олтмишдан зиёд фирма ва компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан қатнашмоқда.

“Uzbekistan Infrastructure – 2013” кўргазмалари автомобилсозлик, транспорт ва логистика, қурилиш соҳаларининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Унда замонавий транспорт технологиялари, автомобиль, темир йўл, денгиз ва дарё транспорти, электрик машиналар ва бутловчи қисмлар, йўловчи ва юк ташиш, логистика, курьерлик ва ахборот хизмати, юк транспорти ускуналари, назорат тизимлари ва техник хизмат кўрсатишга оид кўплаб бўлимлар ишлаб турибди.

Тадбирларнинг очилишида таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида автомобилсозлик, транспорт коммуникациялари, логистика ва қурилиш соҳаларида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.




Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда транспорт – коммуникация салоҳияти мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Йўл ва транспорт коммуникациялари тизимидаги бунёдкорлик ишлари мамлакатимизнинг жаҳон бозорига фаол интеграциялашувига, ҳудудлар инфратузилмасини тубдан яхшилашга, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётир. Мустақиллик йилларида 1 минг 279 километр цемент-бетон ва асфальт-бетон қопламали йўллар қурилди. 175 кўприк, 19 йўл ўтказгич қурилиб, реконструкция қилинди. Ўтган даврда Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирувчи 238 километр автомобиль йўли тўрт тасмали йўлларга ўтказилди. Автомобиль йўлларининг тоғли ҳудудлардан ўтадиган қисмида бешта довон йўли бунёд этилди. Улар орасида денгиз сатҳидан 2 минг 268 метр баландликда жойлашган Қамчиқ довони алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимиздаги қулай сармоявий муҳит хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш, барча соҳаларга замонавий технологияларни жалб этишда муҳим омил бўлаётир. Хусусан, автомобилсозлик соҳасида хорижникидан қолишмайдиган, сифатли эҳтиёт қисмлар ва нозик деталлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб қўшма корхоналар самарали фаолият юритмоқда.

Кўргазмаларда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган маҳсулотлар ва хизматлар билан танишмоқдалар. Янги ҳамкорлар орттиришиб, истиқболли битим ва келишувларга эришмоқдалар.

Сирасини айтганда, ушбу кўргазмалар соҳанинг янги техника ва технологиялар, янги ишланмалар, инновацион ечимлар, амалий тажрибалар билан бойишига хизмат қилади ҳамда хориж сармояларининг кириб келишига шароит яратади. Ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

**Назарали ТИЛЛАЕВ**
*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.*

# ТОЗА СУВ – ТАНГА ШИФО

**(Боши 1-саҳифада)**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 мартдаги Осиё тараққиёт банки иштирокида “Сурхондарё вилоятининг сув таъминоти ва санитарияси” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2010-2014 йилларда Термиз шаҳри, Қизириқ, Қумқўрғон, Шўрчи, Сариосиё, Жарқўрғон, Музработ ва Ангор туманларида 391,3 километр магистраль, 272,5 километр сув қувурлари ўрнатиш, суткасига 108 минг куб-метр сиғимга эга сув сақлаш иншоотларини қуриш борасида олиб борилаётган ишлар айниқса диққатга сазовордир. Мазкур лойиҳа доирасида бу йил Термиз шаҳри, Жарқўрғон, Сариосиё, Қумқўрғон, Шўрчи туманларида 13 миллиард 126 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, олтита янги қудуқ қазиш, 39 мавжуд қудуқларни реконструкция қилиш ва 243 километрдан зиёд сув тармоқлари қуриш белгиланган. Йилнинг ўтган даврида ўн миллиард сўмликка яқин иш бажарилди. Лойиҳада кўзда тутилган қурилиш ишларининг бажарилиши 26 қишлоқ аҳоли пунктида истиқомат қилаётган 256 мингдан зиёд аҳолининг сув таъминоти ва санитария ҳолатини яхшилашга хизмат қилади.

– Обод турмуш йилида беш маҳалланинг сув таъминоти ва санитария ҳолати яхшиланмоқда, – дейди Қумқўрғон тумани “Сувоқова” корхонаси раҳбари Маҳмуд Турдиқулов. – Бунинг учун ажратилган икки миллиард 723 миллион сўмдан ортиқ маблағнинг қарийб икки миллиард 600 миллион сўми ўзлаштирилди. Улуғбек, Дўстлик, Нефтчилар, Арнасой каби аҳоли пунктларида олиб борилаётган ишлар ўттиз мингдан ортиқ аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласини ижобий ҳал этади.

Мамлакатимизнинг 2013 йилги Инвестиция дастури доирасида вилоятнинг 33 қишлоқ ва 23 намунавий лойиҳа асосидаги турар-жой массивларида истиқомат қилаётган юз мингга яқин кишини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 122 километрга яқин янги ичимлик сув тармоғи барпо этилди. 37 янги қудуқ қазилиб, фойдаланишга топширилди. 9 қудуқ реконструкция қилинди. 35 замонавий сув миноралари ўрнатилди. Бунинг учун 9 миллиард 580 миллион сўм бюджет маблағлари сарфланди.

Бу йил воҳанинг 23 массивида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган 810 янги турар-жойлар қад ростлади. Мазкур дастурга мувофиқ намунавий уй-жой массивларига тоза ичимлик суви қувурлари ётқизилмоқда. “Қумқўрғонсувмахсустаъмир” хусусий корхонаси Шўрчи туманининг Жойилма маҳалласида, “Мукаммалқурилишбутлаш” хусусий корхонаси Сариосиё туманининг Фозилкўчди маҳалласида қад ростлаган янги уй-жой массивларига сув қувурлари ўтказиб берди. Термиз туманидаги Янги ҳаёт маҳалласида қирқ хонадонга мўлжалланган намунавий лойиҳалар асосидаги уйларни “Жайхун окс қурилиш” масъулияти чекланган жамияти тоза ичимлик суви билан таъминлаган бўлса, “Термиз КМК-5” масъулияти чекланган жамияти шу тумандаги Лимонзор массивида қурилган юзта турар-жой биноси учун ичимлик сув қувурлари ўтказиб берди.

– Лимонзор массивида 142 миллион сўмликдан ортиқ иш бажарилиб, янги қудуқ қазилди, – дейди “Термиз КМК-5” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Раҳматжон Қурбонов. – Икки минг 823 метр узунликда полиэтилен қувурлар ётқизилиши натижасида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уйларда истиқомат қилувчиларни тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш имкони яратилди.

Айни кунларда қўшимча дастур асосида 20 қишлоқда сув таъминотини яхшилаш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда. 64 километрлик янги ичимлик сув қувурлари тортилиб, ўнта қудуқ қазилади, учтаси таъмирланади. Ўнта янги сув минораси, учта трансформатор пункти ўрнатилиб, 34 мингдан зиёд қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик суви масаласи тўлиқ ҳал этилади.

Аҳоли пунктларида тоза ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш мақсадида олиб борилаётган бундай хайрли ишлар Олтинсой туманининг Карсаган, Сариосиё туманининг Киргарон, Узун туманининг Қоранкўл сингари ўнлаб олис ва тоғли қишлоқлари, Қумқўрғон туманининг Қурбон Йўлдошев номидаги, Шўрчи туманининг Юқори Совжирон маҳаллаларида ичимлик суви муаммосига барҳам беради.

**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Шарафга айланаётган масъулият

**Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирлари эди. Нуробод туманининг Олға қишлоғида яшовчи Адиба момо ўғлини ҳарбий хизматга жўнатди. Жўнатдию дили ғаш бўлди, кўнглида оғир тош қотди. Хавотир деб аталмиш ушбу «тош» ўзаро гурунгларда армиядаги бошбошдоқлик, тартиббузарликлар ҳақида эшитганда, хизматдан баъзан қочиб, баъзан майиб бўлиб келаётган йигитларни кўрганда катталашаверди. Ҳар куни эшикка кўз тиккан онанинг хавотири бежиз эмас экан, она кўнгли сезган экан: ўғлининг оғир бетоб бўлиб қолганлиги ҳақида хат олди. Она юрак-юракдан куйди, сиқилди. Аммо иложсиз эди. Борай, деса — масофа узоқ. Арзу додини кимга айтадию, ким уни эшитади? Муштипар онанинг Яратгандан ўғлининг соғ-омон қайтишини сўрашдан бошқа чораси қолмаганди...**












ЎзА ва ўз мухбирларимиз олган суратлар.

Ҳа, ўша пайтлар шундай эди. Ҳарбий хизматдан ҳамма безганди. Армиядаги маънисиз, тутуриқсиз норасмий тузилмалар ёш йигитларнинг дунёқарашини буткул ўзгартириб юборган, баъзан ҳаётдан бездириб қўйган ҳолатлар бўларди. Шу боис, баъзи ота-оналар ўз фарзандларини ҳарбий хизматга жўнатишдан бош тортишар, ҳатто қандай йўл билан бўлмасин, ўғлини хизматдан олиб қолишга ҳаракат қилишарди.

Бугун эса аҳвол бутунлай бошқача. Яъни истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари бошчилигида ҳарбий соҳада изчил ва узоқни кўзлаб олиб борилган ислоҳотлар натижасида мамлакатимизнинг мудофаа қудрати юксалди. Жонажон юртимиз сарҳадларини ишончли тарзда ҳимоя қилишга қодир бўлган ихчам, тезкор ҳамда энг замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминланган профессионал армиямиз шаклланди. Ҳарбийлик либосини кийиш эса ҳар бир йигитга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайдиган шарафли орзуга айланди. Эътиборлиси, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар Қуролли Кучларимизнинг нафақат моддий жиҳатдан, балки маънавий-руҳий томондан ҳам сезиларли даражада юксалишига омил бўлди. Айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 24 октябрдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашининг ташкил этилганлиги бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириб, миллий армиямиз ва аҳоли ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Мазкур кенгаш ўз низомига кўра, Қуролли Кучлар устидан самарали фуқаролик назоратини ўрнатиш, Мудофаа вазирлиги фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш, давлатимизнинг мудофаа ҳамда ҳарбий қурилиш соҳасидаги сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш ва ривожлантиришга фуқаролар ҳамда жамоат бирлашмаларини жалб қилиш, шунингдек, халқимиз орасида ҳарбий касб нуфузини ошириш, ҳарбий хизматчилар ва чақириққача бўлган ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксалтириш, улар қалбига ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини янада чуқурроқ сингдириш борасидаги ишларни тизимли ташкил этиш каби вазифаларни амалга оширади.

Ўтган қисқа давр мобайнида Жамоатчилик кенгаши томонидан қатор ибратли ишлар бажарилди. Жумладан, кенгаш аъзолари мамлакатимизнинг турли ҳудудларида жойлашган ҳарбий қисмларда бўлишиб, ҳарбий хизматчилар, қолаверса, уларнинг оила аъзолари билан учрашдилар. Уларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, талаб ва таклифларини ўргандилар. Ўз ўрнида, ота-она сифатида улар билан дилдан суҳбатлашганлари, қилган эзгу дуоларию берган маслаҳатлари ҳарбийлар учун ҳам унутилмас таассуротларни тақдим этгани, шубҳасиз.

– Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш давлатимиз раҳбари томонидан демократик давлат қуриш йўлидаги муҳим ташаббуслардан бири бўлди, – дейди Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Иқболжон Мирзаалиев. – Бугунги кунда ушбу кенгаш халқ ва армияни бир-бирига ўзаро боғловчи кўприк вазифасини ўтамоқда. Зеро, дунёнинг турли нуқталарида уруш ва низолар содир бўлаётган, нотинчлик эҳтимоли кучайиб бораётган ҳозирги бир пайтда халқ билан армия, албатта, бир тану бир жон бўлиши керак. Шундагина халқимиз суянадиган Қуролли Кучларимиз янада қудратли, юртимиздаги тинчлик-осойишталик эса барқарор бўлади. Шу боис, халқ вакили сифатида қайси бир ҳарбий қисм ва муассасаларда бўлмайлик, у ердаги мавжуд ҳолатни ҳаққоний баҳолашга, олиб борилаётган ишларни барча кўрсаткичлар бўйича комплекс таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Жамоатчилик кенгаши таркибига Ўзбекистон Республикаси Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзолари, соҳага дахлдор турли вазирлик ҳамда идораларнинг масъул вакиллари киритилганлиги келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни аниқ ва пухта режалаштириш, зарур тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишда муҳим омил бўлмоқда. Жойларда ўтказилган учрашув ҳамда давра суҳбатларида улар томонидан мамлакатимиз қонунчилигидаги мудофаа масалаларига оид ўзгартиш ва қўшимчалар, истиқболдаги вазифалар хусусида атрофлича маълумот бериб келинганлиги эса юртимиз посбонларининг ҳарбий қонунчилик борасидаги билимлари мустаҳкамланишига замин яратмоқда.

Маълумки, халқимиз, айниқса, ёшлар қалбига мардлик, жасорат ва юртпарварлик туйғуларини чуқурроқ сингдириш, келажагимиз ворисларини ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдек масъулиятли вазифаларни амалга оширишда адабиёт, санъат ва маданиятнинг ўрни, аҳамияти катта. Шундан келиб чиқиб, Жамоатчилик кенгаши таркибида бўлган ёзувчи ва шоирлар, эл ардоғидаги санъаткорлар ҳарбийлар билан учрашувлар чоғида соҳа вакилларини Она-юрт ҳимоясидек шарафли бурч сари янада руҳлантирдилар. Ўз чиқишлари, самимий суҳбатлари билан уларга маънавий-руҳий қувват, чексиз қувонч бағишладилар.

– Ҳарбий қисмимизда ташкил этилган учрашув бизда катта таассурот қолдирди, – дейди Сурхондарё вилоятида шартнома асосида хизмат қилаётган катта сержант Абдулла Очилов. – Айниқса, таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган куй ва қўшиқларни мароқ билан тингладик, мириқиб ўйинга тушдик. Юрт қадри, ғурур ва мардлик, ватанпарварлик мавзусида шеърлар ўқилганда, ҳарбийлик касбини танлаганимиздан барчамиз бирдек фахрландик. Муҳими, улар нигоҳида ота-онамиз, яқинларимиз меҳрини ҳис қилиб, зиммамизда нақадар улкан масъулият бор эканлигини янада чуқурроқ англадик.

Мамлакатимиз мудофаа тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самарасини кенг жамоатчиликка етказиш, ҳарбийларимиз ҳаёти ва фаолиятидаги янгиликлардан халқимизни хабардор этиш мақсадида Жамоатчилик кенгаши оммавий ахборот воситалари билан йил давомида изчил ҳамкорлик ишларини олиб борди. Республикамиз теле ва радиоканалларида эфирга узатилган “Ватан азиз, жасорат мангу!”, “Истиқлол қалқонлари”, “Мардлар қўриқлайди Ватанни”, “Мен ҳарбий бўламан” каби ўнлаб кўрсатув ва радиоэшиттиришлар, даврий матбуот нашрларида чоп этилган хабар ва мақолалар орқали жойларда ўтказилган тадбирлар, учрашув ҳамда мулоқотлар кенг ёритилди. Натижада халқимиз Қуролли Кучларимиз ҳаётида кечаётган муҳим жараёнлар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

Хулоса қилиб айтганда, Жамоатчилик кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар мамлакатимизда ҳарбий соҳани янада такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишда муҳим омил сифатида намоён бўлаётир. Албатта, кенгашнинг истиқболдаги фаолияти ҳам ўз самарадорлиги билан барчага бирдек маъқул бўлишига ишонамиз.

**Дарвоқе, мақоламиз бошида номи тилга олинган Адиба момонинг невараси Шокиржон миллий армиямиз сафида йигитлик бурчини аъло даражада ўтаб, жорий ўқув йилида муддатли ҳарбий хизматчилар учун белгиланган имтиёз асосида юртимизнинг нуфузли олий таълим муассасаларидан бирига ўқишга кирди. Бу — истиқлол йилларида Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳаётбахш самараси.**

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**




# Янги интерактив хизматлар

## ТИЗИМДА СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИКНИНГ ОРТИШИНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА

***Мустақиллик йилларида барча соҳалар қатори солиқ тизимида ҳам изчил ислоҳотлар олиб борилиб, солиқ тўловчилар учун турли имтиёз ва қулайликлар яратилмоқда. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ҳисоботларни тайёрлаш ва топширишда ортиқча меҳнат ҳамда харажатларга барҳам берилмоқда. Буни интерактив хизматлар мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қароридан келиб чиқиб, жорий йил бошида солиқ тизимида интерактив хизматларнинг 23 туридан фойдаланилган бўлса, ҳозирга келиб улар сони яна 8 тага кўпайди.

Ушбу янги хизмат турларидан бири “Солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномани электрон шаклда олиш” интерактив хизмати бўлиб, унинг ёрдамида жисмоний шахс йиллик ҳисобланган солиқларни тўлагач, ортиқча оворагарчиликларсиз интернет тармоғи орқали солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот олиб, талаб қилинган жойга тақдим этиши мумкин. Унинг ҳаққонийлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиш учун эса Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайтида текшириш имконияти яратилган. Бу хизматдан фойдаланиш учун солиқ тўловчи ўзининг СТИР рақамини билиши шарт. Мазкур хизмат турида Электрон рақамли имзо (ЭРИ) ва бошқа маълумотлар сўралмайди.

Яратилган яна бир қулайлик — солиқ тўловчиларнинг SMS-сўрови орқали ахборот тақдим этиш имкониятидир. Бу хизматдан фойдаланмоқчи бўлган жисмоний шахс мобиль телефони орқали “1077” қисқа рақамига ўзининг СТИР рақамини жўнатиб, солиқ қарзи тўғрисидаги маълумотни олиши ёки шу рақамга паспорт серияси ва рақамини юбориб, ўз СТИР рақамини аниқлаши мумкин. Бу ахборотни мол-мулк ёки ер солиғи бўйича ҳам олса бўлади.

“Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахслари қабулига ёзилиш” интерактив хизмати эса солиқ тўловчилар ва фуқаролар учун давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари қабулига “Онлайн” режимида ёзилиш (электрон қабулхона) ва бу ҳақда маълумот олиш имконини тақдим этади. Бунда хизматдан фойдаланувчи қабулга ёзилгач, қабул куни ва вақти аниқ бўлиши билан унинг электрон почтасига хабар жўнатилади.

Жорий этилган яна бир қулайлик — “Солиқ тўловчи юридик шахсларнинг солиқ имтиёзлари тўғрисида ахборот тақдим этиш” хизмати бўлиб, унинг вазифаси Давлат солиқ қўмитасининг www. soliq.uz расмий сайтида солиқ тўловчиларга солиқ имтиёзлари тўғрисидаги ахборотларни тақдим этишга қаратилган. Мазкур хизматга қисқа вақт ичида биргина Қашқадарё вилояти миқёсида 300 дан ортиқ юридик шахслар 700 мартадан ортиқ мурожаат этиб, ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича маълумотлар олишган.

Яна бир эътиборли томони жорий йилгача ҳисоботларни электрон тарзда топшириш хизматларидан фақат юридик шахслар фойдаланиб келишган бўлса, эндиликда якка тартибдаги тадбиркорлар ҳам бундай имкониятга эга бўлдилар.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда 24 мингдан ортиқ солиқ тўловчилар тизимдаги интерактив хизматлардан самарали фойдаланиб, ўзларининг 1,2 миллиондан зиёд мурожаатларига жавоб олишга муваффақ бўлдилар. Натижада солиқ тўловчи субъектларнинг қимматли вақтлари тежалиши баробарида 5500 килограммдан ортиқ қоғоз иқтисод қилинишига эришилди. Мазкур ойдан бошлаб йўлга қўйилган “Ўз бизнесингни ярат” ҳамда “Келиб тушган ариза, таклиф ва шикоятларни кўриб чиқиш аҳоли юзасидан маълумот бериш” интерактив хизматлари ҳам бошқа хизмат турлари сингари солиқ тўловчиларга маъқул келиши шубҳасиз. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз солиқ тизимида яратилаётган қулайлик ва янгиликлар соҳадаги хизмат сифатини янги босқичга кўтариб, солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахсларни ортиқча вақт ҳамда маблағ сарфидан халос этаётир.

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи.**

# ТЕЖАМКОРЛИК ВА ЭҲТИЁТ ТАДБИРЛАРИ ДОИМО ЗАРУР

**Бугун ҳаётимизда газ беминнат дастёрга айланган. Уйга ўрнатилган газ ускунасининг мурватини бураймизу гугурт чақамиз, уйимиз иссиқ, таомимиз тайёр. Аммо унинг қанчалик қийинчилигу машаққатлар билан етиб келишини, бу жабҳада кўплаб кишиларнинг меҳнати борлигини, энг муҳими, унинг ноёб, қайта тикланмайдиган захира эканлигини баъзан ўйлаб кўрмаймиз. Ана шу беминнат дастёрга бироз бефарқ бўлиш эса, кўплаб кўнгилсизликларни келтириб чиқаришини унутамиз.**



Мутахассисларнинг бу борадаги таҳлиллари бизни табиий газдан оқилона ва эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарурлигини яна бир бора уқтиради. Ўтказилган текширувлар шуни кўрсатмоқдаки, табиий газдан самарали фойдаланмаслик натижасида исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Энг ачинарлиси, газдан ноқонуний фойдаланиш, иссиқхона, новвойхона, сомсахоналар учун табиий газни рухсатномаларсиз ишлатиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса аҳоли учун мўлжалланган табиий газ миқдорининг етишмаслиги, нотўғри фойдаланиш оқибатида турли кўнгилсизликлар, хусусан, ёнғин ҳолатлари содир бўлишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, қиш мавсумида табиий газга бўлган эҳтиёж бир неча баробар ортади. Айни шу ҳолатда газдан ноқонуний фойдаланиш, ўзбошимчалик билан нотўғри уланиш ҳолатлари кузатилади. Бунинг оқибатида газ тармоғида зўриқишлар, газ таъминотида узилишлар юзага келади. Шу боис, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан тегишли идоралар ҳамда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда муайян ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, аҳоли томонидан иссиқхоналар ва бошқа мақсадлар учун табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда келиб чиқадиган кўнгилсиз ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида бугунги кунга қадар 268 та гуруҳлар тузилиб, улар томонидан 13 мингдан ортиқ корхона, муассаса, ташкилот ва хўжаликларни ёнғинга қарши ҳолати тўлиқ текширилди ва 11 мингдан зиёди мавсум олдидан ўрганиб чиқилди.

Шунингдек, 28 мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар текширилиб, уларда ностандарт шланглардан, қўлбола газ печларидан, табиий газдан ҳамда газ сўрғичларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланди. Бугунга қадар тегишли идора вакиллари билан ҳамкорликда ушбу аниқланган камчиликлар бартараф этилди.

Жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида содир бўлган ёнғинларни таҳлили айнан газ ускуна ва мосламаларидан нотўғри фойдаланиш, жумладан, баъзи ота-оналарнинг болаларни қаровсиз қолдириши, газдан фойдаланишга рухсат бериши, газ плиталарини ёқиб уйни иситиш оқибатида 326 та ёнғин ҳолатлари содир бўлганини кўрсатмоқда. Ушбу ёнғинлар оқибатида 49 нафар фуқаро турли даражада куйиш тан жароҳати олган ва касалхоналарга ётқизилган. Шулардан 3 нафарини болалар ташкил этади. Энг ачинарлиси, 2 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмган. Ёнғин талафотлари оқибатида келтирилган моддий зарарни айтмасак ҳам бўлади.

Яна бир рақам хусусида тўхталадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида республикада содир бўлган ёнғинлар сони 10,5 мингдан зиёдни ташкил этган бўлса, уларнинг 70 фоиздан ортиғи аҳоли турар-жойларига тўғри келмоқда.

Озгина эътиборсизлик, ўзбошимчалик бўлмаганида бундай ҳолатларнинг олдини олиш мумкин бўларди. Табиий газ истеъмоли билан боғлиқ бўлган ҳар бир шахс, у корхона раҳбари бўладими, фуқаро бўладими, табиий газдан оқилона фойдаланишни ва эҳтиёт тадбирларини ўз вақтида амалга ошириб борилишини таъминлаши зарур. Ана шундагина бу борадаги муаммолар ўз ечимини топади. Ҳаётимиз осойишта, уйимиз нурафшон, дастурхонимиз баракали бўлади.

**Ж.САЛОҲИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси муҳандиси, капитан.**



## ДИҚҚАТ: ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ!

ҲУРМАТЛИ ҲАМЮРТЛАР!

Маълумки, куз-қиш мавсуми бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжларини бир мунча ортиб бориши билан ёнғин хавфини ҳам кескин ортиб кетишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатни олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрь кунидаги 309-сонли қарорига асосан жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрига қадар Республика миқёсида “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилади. Қарорда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — “иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш” — деб белгиланган.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда таъкидлаймизки, бу даврда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ БОШ БОШҚАРМАСИ**

Тошкент Вилояти

# КЕЛОВЧИЛИК МИРИШКОРЛАР

## УЛАР МУНОСИБ ВОРИС ЭКАНЛИКЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШМОҚДА

**Пискент туманининг Келовчи қишлоғи қадимда ҳам шу ном билан юритилган тарихий ҳудудлардан саналади. Бу қишлоқнинг қир-адирликлардан иборат бўлган мафтункор сўлим табиати овчиларни, сайёҳларни ўзига чорлаган. Улар бу ҳудуддан ўтаётиб, бир неча кун тўхтаб, турли ҳайвонларни, қушларни ов қилишган. "Бобурнома" асарида бу жойда хилма-хил қушлару ёввойи ҳайвонларнинг мавжудлиги ҳар қандай кишини ҳайратга солиши ҳақида ёзилган.**



*Кузги бошоқли дон экинлари парвариши ҳам маромида олиб борилмоқда. Бу эса майсаларнинг қишки тиним давригача туплаб олишига шароит яратмоқда.*

Келовчи қишлоғи аҳли миришкорлиги билан танилган. Бу ерда пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик соҳаларида катта тажриба тўпланган. Мўлкўл сабзавот-полиз экинлари етиштирилиб, халқимиз дастурхони тўкин қилинган. Шу ўринда "Гулистон" хўжалиги жамоасига ўттиз беш йил давомида раҳбарлик қилган Ислиддин ота Ҳайдаров ҳамда унинг сафдоши Мустафоқул Ҳайдаровларнинг муборак номларини эслаш жоиз. Ҳозирги пайтда уларнинг фарзандлари — Шоира Ҳайдарова ва Миркамол Ҳайдаровлар оталарининг муносиб ворислари эканликларини намоён этишмоқда.

Падари бузруквори Ислиддин Ҳайдаровнинг меҳнатидан руҳланган барча фарзандлари қатори қизи Шоира Ҳайдарова ҳам ота касбини эгаллаган. Ёшлигиданоқ отаси ёнида турли юмушларни бажариб юрган Шоира ҳозирги Тошкент давлат аграр университетига ўқишга кирди. Хўжалик биолабораториясида лаборант, кейинчалик эса мудира вазифаларида самарали фаолият кўрсатди. У отасининг қадрдони Мустафоқул Ҳайдаровнинг ўғли — ҳозирги Техника университетининг геология факультетини тугаллаган Миркамол Ҳайдаров билан турмуш қурди. Бир қиз, икки ўғиллик бўлишди. Турмуш ўртоғи Миркамол Ҳайдаров кўп йиллар давомида Олмалиқдаги ташкилотларда фаолият кўрсатди. Фермерлик ҳаракати бошлангач, Шоира Ҳайдарованинг ташаббуси билан Пискент туманида "Ҳайдарова Шоира" фермер хўжалиги ташкил этилди. Хўжалик пахта, ғалла етиштириш йўналишида фаолият кўрсата бошлади. Фермер хўжалигига 2008 йил март ойидан бошлаб Шоира Ҳайдарованинг турмуш ўртоғи Миркамол Ҳайдаров раҳбарлик қила бошлади.

— 2013 йилда хўжалигимизда 51,6 гектар майдонда буғдой, жумладан, 20 гектар ерда уруғлик етиштирдик, — дейди фермер. — Давлатга 169 тонна буғдой топширилиб, шартнома 104 фоизга бажарилди. Жорий йилда ғалла ҳосилдорлиги 70 центнерга етказилди. Бундай юқори ҳосил олишимизга сабаб, тўрт йилдирки, буғдойнинг синовдан ўтган, серҳосил "Таня" нави етиштириб келинмоқда. У эртапишарлиги билан ҳам маъқул келмоқда. Асосийси, агротехник тадбирлар сифатли бажарилаётгани, маҳаллий ўғитларнинг "шарбат", минерал ўғитларнинг суспензия усулида берилиши, бегона ўт, турли касалликларга қарши самарали курашилиши натижасида юқори ҳосилдорликка эришилди. Пахтачилик бўйича эса 45,9 гектар майдонда "С-65-24" навли ғўза парваришланиб, ҳосилдорлик қарийб 41 центнерга тўғри келди. 187 тонна юқори навли пахта топширилди, шартнома мажбурияти 131 фоизга бажарилди.

Хўжалигимизда барча ишлар ўзимизнинг техникаларимиз, яъни занжирли, ишлов бериш, транспорт трактори, тиркамалар, плуг, чизел, борона ва бошқа механизмлар билан адо этилади. Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан юқори кўрсаткичларимиз эътироф этилиб, фермер хўжалигимизга яқинда янги "Дамас" автомашинаси ажратилди. Бу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Барча ишларнинг бошида деҳқончилик сир-синоатларини яхши биладиган, ғалла ҳамда чигитни қадаб, кечаю кундуз ҳар бир навниҳолни ўз фарзандидек ардоқлайдиган, иш бошқарувчи — тажрибали пахтакор Абдурашид Абдужабборов, механизатор Ҳусан Абдужабборов, сувчилардан — Давронқул Йўлдошев, Пардабой Машарипов, Гайбулла Абдуллаев, Жамол Нурматов, Азиз Оққулов, миришкорлар — Марҳамат Маҳкамова, Гулбаҳор Оққулова, Шаҳноза Оққулова, Учқун Кўчқоров, Шоҳиста Мирзакалонова хўжалигимизнинг янада ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшаётганликлари барчани мамнун этиб келмоқда. Бир неча йиллардан бери буғдой ва пахта ҳосилини саранжомлаб олишда отряд усули жуда қўл келмоқда. Бу барча фермер хўжаликларига катта ёрдам бермоқда. Айниқса, ҳамкор ташкилотлар — "Қишлоқхўжаликкимё", "Кучлук нефт базаси", "Пискент агротехсервис" МЧЖ жамоаларининг мадади беқиёс бўлмоқда.

Жорий йилда фермер хўжалиги ғалладан 37 миллион сўм даромад кўрди. Хўжалик аъзолари, кам таъминланган оилаларга тарқатиш учун 75 тонна буғдой захирада қолдирилди. Пахта ҳосилидан эса йил якуни бўйича 80-90 миллион сўм фойда кўрилиши мўлжалланмоқда.

2014 йил ҳосили учун ғўза қатор ораларига ғалла экилиб, суғориш ишлари маромида олиб борилмоқда.

Фермер 2014 йилги эзгу ниятлар ҳақида фикр юритар экан, дала шийпони қуриш, боғ яратиш, қорамол боқиш ҳамда паррандачилик соҳаси бўйича ишларни ташкил этиб, гўшт, сут, тухум маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлайди. Бу тадбирлар Келовчи қишлоғи аҳолиси фаровонлигини оширишга, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Шу ўринда, Шоира ва Миркамол Ҳайдаровнинг оиласи Келовчи қишлоғининг ибратли хонадонларидан эканлигини таъкидлаш жоиз. Қизлари Моҳичеҳра, ўғли Зуниддин олий маълумотли бўлиб етишишди. Улар Олмалиқ кон-металлургия комбинатида масъул вазифаларда фаолият кўрсатишмоқда. Келинлари Иқболхон ҳамшира. Кенжа ўғил Санжарбек эса Тошкент Давлат техника университетининг — геология факультетида таҳсил олмоқда.

— Ҳар куни эрта тонгда дастурхон атрофига ўғиллар, қизлар, келину етти нафар неваралар йиғилишиб, 80 ёшни қаршилаётган Ҳабиба аямизнинг дуоларини оламиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Миркамол Ҳайдаров. — У киши дуога қўл очар экан, "Ўзбекистонимиз янада обод, бозорларимиз тўкин-сочин бўлишини, Аллоҳдан халқимизга тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик ато этишини сўрайдилар. "Деҳқонларимизнинг хирмони доимо донга тўлсин, кундан-кун гуллабяшнаб бораётган юртимизга асло кўз тегмасин", дея ният қиладилар.

Биз ҳам фермер ва унинг хўжалиги аъзоларининг келгуси ишларига ривож, эзгу ниятларини амалга оширишларида омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**Раҳимжон ОРИПОВ**

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

# «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Фуқаролик жамиятини шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **«Инсон ҳуқуқлари — журналист нигоҳида»** мавзуидаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмагида ўтказилади.

**ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ**

Танловга 2013 йилнинг 1 январидан 2013 йилнинг 1 декабригача республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фотоматериаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида *(фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси)* маълумотлар илова қилинади.

Ғолиблар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланади.

**ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР**

Ғолиблар диплом ва компьютер жамланмаси, телевизор, планшет ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари — журналист нигоҳида» мавзуидаги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2013 йил 5 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 1-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz., e-mail: mmfuz@inbox.uz. fonduz@umail.uz

**Ташкилий қўмита**

# ЎЗБЕК САНЪАТИГА МАФТУН ЭТАР “ДИЛХИРОЖ”НИ КУЙЛАБОН МАФТУНАБОНУ

**Санъат ҳамиша инсонларни эзгулик, гўзаллик сари ундаб келгани айни ҳақиқат. Чунки унда халқнинг маданияти, бой тафаккури ва қадриятлари акс этади. Миллатнинг маънавияти ҳам санъат билан янада улуғворлик касб этади.**




Юртимизда иқтидорли йигит-қизлар жуда кўп. Уларнинг барча соҳаларда, жумладан, санъат соҳасида ҳам катта ютуқларни қўлга киритаётгани халқимизнинг фахри, ғурури. Айтиш мумкинки, мамлакатимизда ёш авлод истеъдодини камол топтириш, уларни миллий ҳамда жаҳон санъатининг нодир намуналаридан баҳраманд этишда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг ўрни катта бўлмоқда.

Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманидаги 18-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабининг дутор ва эстрада йўналиши тарбияланувчиси Мафтунабону Маҳмуджонова ўзбек санъатини дунёга танитаётган ана шундай иқтидорли ёшларимиздан бири бўлиб, яқинда Италиянинг Венеция шаҳрида ўтказилган “6 халқаро санъат фестивали” кундалигидан ўрин олган “Orpheus in Italy” танловида иштирок этди. Ушбу фестивалда йигирма саккиздан ортиқ мамлакатдан тўрт юзга яқин ёш иқтидор соҳиблари қатнашди.

Эндигина ўн уч ёшни қаршилаган Мафтунабону болалигидан туман, шаҳар, вилоят миқёсидаги мусиқа танловларида фаол қатнашиб келади.

Жаҳоннинг бундай нуфузли фестивалида қатнашиш ҳуқуқини у ўтган йилнинг ноябрь ойида Москва шаҳрида бўлиб ўтган 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги Халқаро фестивалда 3-ўринни эгаллаган ҳолда қўлга киритган эди.

Ярим йилдан ошиқроқ вақт мобайнида Мафтунабону устозлари Радим Бўронов ҳамда Зулхуморхон Қорабоева билан биргаликда қизғин тайёргарлик кўрди ва ўзининг мақсадига эриша олди.

Мафтунабону халқаро танловда ўзбек миллий қўшиқларимиздан “Дилхирож”ни ҳамда устози Радим Бўронов томонидан басталанган “Италиянский мальчик” (Италиялик бола) қўшиқларини ижро этиб, фахрли 2-ўринни қўлга киритди.

Ушбу фестивалда Мафтунабону кўплаб санъат ихлосмандлари билан дўстлашди, таниқли мутахассисларнинг эътиборига тушди. Унга кўплаб давлатлардан, жумладан, жорий йил ноябрь ойида Грузияда, декабрда Литва, 2014 йил мартида Латвия ва май ойида Данияда бўлиб ўтадиган нуфузли халқаро фестивалларда иштирок этиш учун таклифлар бўлмоқда.

— Ватанимиз байроғини юқори чўққиларга кўтариш, юрт номини дунёга тараннум этиш ниҳоятда қувонч бахш этади, — дейди М.Маҳмуджонова. — Мақсадим шундай: юртимни шарафлаб, улуғласам, унинг бахтини, санъатини дунёга таратсам.

**Умиджон МАМАРАСУЛОВ**

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

# «ЖАМИЯТ ВА МЕН — 2013»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда Журналистлар ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун **«Жамият ва мен — 2013»** танлови ўтказилишини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий- сиёсий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросига қаратилган ижодий ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

**ТАНЛОВ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Танлов қуйидаги 10 та номинациялар бўйича ўтказилади:**

— *«Юксак маънавият жамият пойдевори» мавзуидаги энг яхши материал;*

— *«Таълим тизими ислоҳотлари журналист нигоҳида»;*

— *«Соғлом ёшлар — келажак пойдевори» мавзуидаги энг яхши материал;*

— *«Фермерлик — имконият ва истиқболлар» мавзуидаги энг яхши материал;*

— *«ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти» тўғрисидаги энг яхши материал;*

— *«Соғлом она — соғлом бола» мавзуидаги энг яхши материал;*

— *энг яхши журналист текшируви;*

— *интернетдаги энг яхши мақола;*

— *энг яхши фоторепортаж;*

— *йил дебюти (талаба-журналистлар учун).*

**ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ**

Тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларда 2013 йилнинг 1 январидан 1 декабрига қадар чоп этилган бўлиши шарт.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Танловга материаллар 2013 йил 10 декабрига қадар қабул қилинади.

Танлов ғолиблари 2013 йил якунида ташкилотчилар томонидан ўтказиладиган нуфузли тадбирда эълон қилиниб, тақдирланади.

**ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

**ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР**

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари журналистлар учун ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом, компьютер жамланмаси, планшет, қўл телефони ва шу каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Жамият ва Мен — 2013» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига қуйидаги манзилга жўнатилади:

**Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 1-хона.**
**Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: info@mmf.uz, fonduz@umail.uz.**

**ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА**

Эълонлар

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**2013 йил 17 декабрь куни соат 11:00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига асосан Жиззах вилояти Ғўза уруғчилик бирлашмасига қарашли Жиззах шаҳар Наримон кўчасида сақланаётган, 2006 йилда и/ч “Матиз” русумли, д/р 25 830 DAA, ранги кулранг (перломутрово-серебристый), техник носоз, бошланғич баҳоси 2 182 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.**

Ушбу мулк билан жойига чиқиб танишиш мумкин. Мазкур автотранспорт воситаси 2013 йил 17 декабрь кунидаги савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 24 ва 31 декабрь ҳамда ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар “Закалат пули тўғрисидаги келишув”ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосинин 30 (ўттиз) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Universal Auktsion invest” МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотекабанк» Жиззах бўлимидаги МФО: 00122, ИНН: 302083379, 22626000304932168001 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Жиззах шаҳар Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 63-уй, 522-хона. Мурожаат учун тел.: (99891) 941-68-07.

***Гувоҳнома № 004059***

Утерянная гувохнома № ТА 1379646/7823-53 выданная 10.01.2012 г. ГУП Службы землеустройства и кадастра недвижимости г. Ташкента расположенного по адресу: г. Ташкент Учтепинский р-н массив Чиланзар Г 9 А д. 2 кв. 2, 3 на имя Убайдуллаева Фазлиддина Хусановича, считать недействительной.

ООО “MILLENIUM INFORM” (ИНН 205498273) (адрес: г. Ташкент Юнусабадский р-н ул. Ниёзбек йули, д. 1), зарегистрированное в ИРСП Хокимията Юнусабадского р-на г. Ташкента (№ 006910-10, 11.08.2011 г.) сообщает о своём присоединении к ООО “INTER-PRESS GROUP” (ИНН 300568914) (адрес: г. Ташкент Шайхантахурский р-н ул. А.Кодири д. 78), зарегистрированное ИРСП Хокимияте Шайхантахурского р-на (№ 006965-09, 26.08.2013 г.). Правопреемником всех прав и обязанностей является ООО “INTER-PRESS GROUP”.

# «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Бешариқ тумани ҳокимининг 2013 йил 4 ноябрдаги 272/02-01-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Маиший хизмат шохобчаси қуриш учун Бешариқ тумани Рапқон ҚФЙ Телов қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 600 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 206 670 сўм.

**2.** Нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш шохобчаси қуриш учун Бешариқ тумани Ватан ҚФЙ Шоберди қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 180 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 62 001 сўм.

**3.** 2 та сунъий қопламали футбол майдончаси ҳамда ёрдамчи хоналар (ювиниш, ечиниш хоналари) қуриш учун Бешариқ тумани Рапқон ҚФЙ Рапқон қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 2 400 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 599 040 сўм.

**4.** Савдо дўкони қуриш учун Бешариқ тумани Товул ҚФЙ Қорқўйли қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 60 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 20 667 сўм.

**5.** Спорт майдончаси қуриш учун Бешариқ тумани Бешариқ шаҳар Обод МФЙ 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 600 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 274 950 сўм.

**6.** Меваларни сақлаш ва ишчилар дам олиш хоналари қуриш учун Бешариқ тумани Ватан ҚФЙ Қиёт қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 450 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 155 003 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бешариқ тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 16 декабрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Бешариқ тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 17 декабрь куни соат 13:00 да очилади, 2013 йил 17 декабрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Халқ банки" Фарғона вилояти филиали амалиёт бўлимидаги: МФО 00497, СТИР 207122519, 20208000004920609011 ҳ/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

*- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларининг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Б.Марғиноний кўчаси 35-уй, "Биржа маркази" биноси. Тел/факс: (8-373) 244-46-39, rieltsavdo@inbox.uz, www.1kms.uz. **Лицензия** RR 0001.










Якка тартибдаги тадбиркор Хаитов Сохибжон Ивановичга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Якка тартибдаги тадбиркор Қодирова Пошшахон Бозорбоевнага тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Чилонзор т. Наққошлик кўч. 5-уй 1-хонадоннинг А.Муталиевга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги (мусодара қилинганлиги) сабабли бекор қилинади.

Утерянные кадастровые документы за № 10-222/2010 на кафе расположенное по адресу: ул. А.Кодирий № 35 считать недействительными.

Узбекско-Германское СП ООО "Toshkent Pivo" зарегистрированное в Министерстве Юстиции Республики Узбекистан (реестр № 1327, 02.10.2012 г.) расположенное по адресу: г. Ташкент Хамзинский р-н ул. Муйнакская д. 188 сообщает о преобразовании на ООО "Toshkent Pivo" и об уменьшении Уставного фонда с 202 180,46 долларов США до 8 860,59 долларов США. ООО "Toshkent Pivo" является правопреемником по всем правам и обязанностям СП ООО "Toshkent Pivo". Претензии принимаются по тел.: (+99890) 966-65-17 в течении одного месяца.

ООО "GREEN TREE DISTRIBUTION" (ИНН 301265420) зарегистрированное ИРСП Мирабадского р-на г. Ташкента (свидетельство о рег. № 005376 от 18.08.2011 г.) сообщает об уменьшении Уставного фонда с 1 074 426 436,73 сум до 350 000 000 сум.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. ТСРЎИда (27.04.2009 й., № 005257-09) рўйхатга олинган "ELDEST FORCE" ХК (ИНН 301160663) ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига айлантирилишини маълум қилади.

Тошкент ш. М.Улуғбек т. ТСРЎИда (01.06.2012 й., реестр № 007835-04) рўйхатдан ўтган "LEGATO UNIVERSAL SERVIS" оилавий корхонаси (ИНН 302317250) ташкилий-ҳуқуқий шакли МЧЖга ўзгаришини маълум қилади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (реестр № 006004-01, 30.08.2013 й.) давлат рўйхатидан ўтган "G'OFIR-NODIR" МЧЖ (СТИР 302695566) 13.11.2013 й.даги таъсисчининг 2-сонли қарорига асосан тугатилади. Корхонанинг ҳисобрақами мавжуд эмас. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 553-98-59.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган Якка тартибдаги тадбиркор "Касымов Шерзод Муроджанович"га тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# «UNIVERSAL REALTOR» МЧЖ ҚОРҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФИЛИАЛИ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**I. Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 7 ноябрдаги 170-П-сонли буйруғи ва Беруний тумани ҳокимининг 2013 йил 2 октябрдаги 1431-сонли хатига асосан якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани «Саркоп» овул фуқаролар йиғини «Дўстлик» аҳоли манзили 366-контуридан ҳар бирининг майдони 400 кв. метр бўлган 8, 20, 22-сонли ер участкалари очиқ аукцион савдоларига қўйилмоқда.** Ҳар бир ер участкасининг бошланғич баҳоси 40 000 (қирқ минг) сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 16 декабрь соат 12:00 да Беруний тумани Халқлар дўстлиги кўчасида жойлашган Маданият саройи биносида ўтказилади.

**II. Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 7 ноябрдаги 171-П-сонли буйруғи ва Нукус тумани ҳокимининг 2013 йил 27 августдаги 547/8-сонли қарорига асосан якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича ҳар бирининг майдони 400 кв.метр бўлган қуйидаги ер участкалари очиқ аукцион савдоларига қўйилмоқда.**

**1.** Нукус тумани «Оқманғит» поселка фуқаролар йиғини Оқманғит поселкаси XIII-кварталидан 9, 11-сонли ер участкалари. Ҳар бир ер участкасининг бошланғич баҳоси 33 080 (ўттиз уч минг саксон) сўм.

**2.** Нукус тумани «Оқманғит» поселка фуқаролар йиғини Оқманғит поселкасидан 5-сонли ер участкаси. Бошланғич баҳоси 33 080 (ўттиз уч минг саксон) сўм.

**3.** Нукус тумани «Саманбай» овул фуқаролар йиғини Тауық ферма овул аҳоли пунктидан 1, 2-сонли ер участкалари. Ҳар бир ер участкасининг бошланғич баҳоси 13 160 (ўн уч минг бир юз олтмиш) сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 17 декабрь соат 12:00 да Нукус тумани Дарсан кўчасида жойлашган 15-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабининг мажлислар залида ўтказилади.

Талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 09:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Буюртманомалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 100 (юз) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Realtor» МЧЖ Қорқалпоғистон Республикаси филиалининг ОАТБ «Турон банк» Нукус филиали, МФО 00585, СТИР 302 269 399, 20208000204975228007 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни буюртнома билан бирга топшириши керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномаснинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси. Аукцион савдоси ғолиблари савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотди шартномасини имзолаши шарт.

**Қўшимча маълумот олиш ва буюртманомалар қабул қилиш манзили:** Беруний тумани Ш.Рашидов кўчаси 2-уй «Архитектура Қурилиш бўлими» биноси ва Нукус шаҳри А.Темур кўчаси 122-уй 2-қават 17-хона. Телефон: (998-61) 222-11-73. www.realtor.uz. E-mail: universal@realtor.uz. **Лицензия** RR-0127.

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ASAKA BANK

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

**Сизларни яқинлашиб келаётган Конституция куни байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:**

**«КОНСТИТУЦИЯ-2013»**

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.




***Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.***
***Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:***
***120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.***

| ФИЛИАЛЛАР | ТЕЛЕФОН | ФИЛИАЛЛАР | ТЕЛЕФОН |
|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳри филиали | (371) 120-83-13 | Наманган вилояти филиали | (369) 226-94-75 |
| Автотранспорт филиали | (371) 120-39-95 | Навоий вилояти филиали | (436) 223-54-32 |
| Шайхонтоҳур филиали | (371) 140-39-36 | Зарафшон филиали | (436) 573-18-78 |
| Юнусобод филиали | (371) 221-80-67 | Бухоро вилояти филиали | (365) 223-71-94 |
| Сирғали филиали | (371) 258-67-49 | Бухоро шаҳри филиали | (365) 770-11-27 |
| Тошкент вилояти филиали | (371) 120-84-13 | Самарқанд вилояти филиали | (366) 231-08-86 |
| Андижон вилояти филиали | (374) 224-40-96 | Афросиёб филиали | (366) 221-77-56 |
| Асака филиали | (374) 233-13-69 | Қашқадарё вилояти филиали | (375) 221-12-93 |
| Фарҳод филиали | (374) 226-97-53 | Сурхондарё вилояти филиали | (376) 770-82-12 |
| Фарғона вилояти филиали | (373) 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | (361) 770-60-59 |
| Марғилон филиали | (373) 237-12-37 | Хоразм вилояти филиали | (362) 226-97-78 |
| Олтиариқ филиали | (373) 432-10-11 | Сирдарё вилояти филиали | (367) 225-44-03 |
| Қўқон филиали | (373) 552-61-04 | Жиззах вилояти филиали | (372) 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:**
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

**«АСАКА» БАНК – САРМОЯНГИЗНИ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.**

Хизматлар лицензияланган.

## Эълонлар

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (25.06.2010 й., реестр № 004387-01) рўйхатдан ўтган "BAXTIKAMOLSAVDO" (ИНН 301645501) МЧЖ ташкилий-ҳуқуқий шакли ХКга ўзгаришини ва Устав фонди 208 000 000 сўмдан 186 700 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "BAXT GAZ SERVIS" МЧЖ (ИНН 207163855) Устав фонди 899 048 719 сўмдан 20 210 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "CHEHRA GAZ SERVIS" МЧЖ (СТИР 207154597) Устав фонди 753 045 498 сўмдан 13 901 446 сўмга камайишини маълум қилади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (15.04.2013 й., реестр № 01-00466) рўйхатдан ўтган "MIRON AKA" ХК (ИНН 204395102) ташкилий-ҳуқуқий шакли МЧЖга ўзгаришини маълум қилади.

Утерянное удостоверение № 39 от 15.08.2012 г. на имя Бобожонова Мардонбека Эркиновича просим вернуть за вознаграждения. Тел.: (+99890) 986-05-44.

Тошкент ш. Учтепа т. 30-мавзе 6-уй 96-хонадонга тегишли 19.03.2004 й. Ким Светлана номига кадастр хизмати томонидан берилган № 1159-сонли ҳадя учун берилган маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (13.10.2008 й., реестр № 002043-07) рўйхатга олинган, Ҳамза т. Лисунова кўч. 1-А даҳа 34-уй 18-хонадон манзилида жойлашган "GOLUBOY-ISSIKUL" ХК (СТИР 300960562) тугатилади (ўз-ўзини тугатиш тўғрисидаги 12.11.2013 й.даги 1-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 905-88-76, 294-87-35 тел. рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (24.04.2007 й., реестр № 001383-07) рўйхатга олинган "TOJMAHAL QURILISH SAVDO SERVIS" ХКнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли МЧЖга ўзгартирилади. "TOJMAHAL QURILISH SAVDO SERVIS" МЧЖ "TOJMAHAL QURILISH SAVDO SERVIS" ХКнинг барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шифобахш неъматлар



# КУЗДА ТОШ, ҚИШДА ОШ

*Бу топишмоқнинг жавоби – беҳи. Ҳа шундай, олтин куз неъматларидан бири – беҳини эндигина дарахтдан узганимизда кам истеъмол қиламиз. Бу пайтда беҳи меваси қаттиқроқ ва тахирроқ бўлади. Бунинг боисини унинг таркиби билан изоҳлаш мумкин.*

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, беҳи таркибида 74,7-83,5 фоиз сув, 8,5-15,2 фоиз қанд, 0,2-0,1 фоиз кислота ва ошловчи моддалар ҳамда тош ҳужайралари бўлади. Беҳида инсон организми учун фойдали бўлган оқсил, ёқимли ҳид таратадиган эфир мойлари, қандлар, органик кислоталар, витамин С, темир, мис ва бошқа моддалар ҳам мавжуд. Меваси узоқ сақлангач, ундаги тош ҳужайралар юмшайди. Ана энди у хушхўр мевага айланади.

Беҳи – раъногулдошлар оиласига мансуб мевали дарахт. Республикамизнинг барча ҳудудларида ўсади. Меваси сентябрь-октябрь ойларида пишиб етилади. Ҳар бирининг оғирлиги навига қараб, 150-500 граммгача ташкил этади.

Беҳидан мураббо, шарбат, мармелад, цукат, қиём, жем тайёрланади. Овқатга ишлатилади. Айниқса, беҳи қўшиб дамланган палов ўзининг ёқимли ҳиди билан иштаҳа очади.

Табобатда беҳидан турли касалликларни даволашда самарали фойдаланилади. Жумладан, ушбу меванинг пиширилгани ҳамда қайнатмаси меъда-ичак касалликларида овқат ҳазм бўлишини яхшиловчи, жигар, қон тупуриш касалликларини даволашда ва қусишга қарши таъсир қилувчи, буруштирувчи, сийдик ҳайдовчи, қон тўхтатувчи дори сифатида қўлланилади. Айниқса, беҳи уруғидан тайёрланган қайнатма ич кетишида жуда фойдалидир.

Беҳидан тайёрланган дамлама ва қайнатма дизентерия, ич кетиши ва иштаҳа очувчи дори сифатида қўлланилади. Беҳи шираси ёрдамида астма, қон тупуриш, уруғидан олинган шиллиқ эритма билан ўпка ва нафас йўлларидаги касалликлар даволанган. Мева ширасига асал аралаштириб истеъмол қилинса, меъда ва жигар фаолиятини яхшилайди. Беҳи мойидан тайёрланган малҳам эса турли яраларга шифо бўлади.

Бугунги кунда тиббиётда ҳам беҳи уруғидан тайёрланган дорилар қабзиятда сурги, колитда ўраб олувчи ҳамда нафас йўллари касалликларида балғам кўчирувчи восита сифатида ишлатилади.

**Феруза СОТИБОЛДИЕВА**
**тайёрлади.**

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиҳ: Н.ҲОТАМОВА
Дизайнер: Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-1114, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.35
15396 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5